

Ҳулкар Ой Сулаймонова

ГУЛДИРОВ ҚИШЛОҒИ



Хулкар Ой Сулаймонова

ГУЛДИРОВ ҚИШЛОҒИ

«Наманган» нашриёти

2005

Ушбу рисола Чортоқ педагогика коллежи илмий кенгаши қарориға асосан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: **Бахтиёр ИСҲОҚОВ**, тарих фанлари номзоди.

Тақризчилар: **Собиржон БОЛТАБОВ**, тарих фанлари номзоди.

Тоҳиржон ҚОЗОҚОВ, тарих фанлари номзоди.

Ушбу рисолада Гулдиров қишлоғининг тарихий обидалари: Садамозор зиёратгоҳи, кориз - қудуқлар, қишлоқнинг шифобахш булоқлари, маҳаллалари, ўрта мактаби, муаллифнинг шажараси тарихи, қишлоқ аҳолисининг асосий машғулоти, иккинчи жаҳон урушида қатнашган гулдировликлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Ёш тадқиқотчи ўзининг илмий изланишларига лаёқати борлигини намоён қила олган.

НГ 499-956.64-1125150 2005 «Наманган» нашриёти
500-3 0-(11)-05

© Хулқар Ой Сулаймонова, «Гулдиров» қишлоғи, «Наманган» нашриёти.

*Ушбу китобни марҳум боболарим -
Юсуфжон Сулаймонов, Аҳмаджон
Ғойиббоев ҳамда марҳума бувим
Фотимахон Сулаймоноваларнинг порлоқ
хотирасига бағишлайман.*

Муаллиф

*Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг
қалбида табиий равишда туғилади. Яъни
инсон ўзлигини англагани, насл-насабини
билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат
туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу
илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган
юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз
бўлади.*

Ислом Каримов

КИРИШ

Лочин кўкда нетар кўзи ўтмаса,
Синдир қаламингни сўзи ўтмаса.
Ватан деса, ўпканг тўлиб кетмаса,
Шеър ёзишга бало борми, биродар!
Муҳаммад Юсуф.

Бу дунёда ўзи тугилиб ўсган, киндик қони тўкилган юрт ҳақида қалбининг энг тубидан бирор бир сатр эзгу сўз ёзишни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Чунки она юртнинг қуёшига, ҳавосига, болалик излари қолган тупроғига ҳеч бир маконнинг бебаҳо неъматлари тенглаша олмайди. Инсон борки, қаерда бўлмасин, она юртининг оғушига интилади, унинг муҳаббати билан яшайди, у тўғрисида бирор самимий сўз айтишдан ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Шундай бебаҳо бахтга даъвогар бўлиш бугун менга насиб этганлигидан фахрланаман. Чунки мен туғилган, илк қадамларим қўйилган тупроқ менинг учун муқаддасдир. Бугун унинг бағрида бахтли яшаётганим шукронаси сифатида, Ватан ҳақида ёзмаслигимнинг ўзи гуноҳ деб биламан.

Гулдинов... Она қишлоғим. Аслида сенга таъриф беришнинг асло ҳожати йўқ. Бунинг учун бир бора тупроғинга қадам қўйиш ва самимий фарзандларинг билан ҳамсуҳбат бўлишнинг ўзи кифоя.

Кўпдан бери орзулаганим – ушбу китобни ёзишга киришар эканман, бу иш қанчалар фахрли бўлса, шу қадар масъулиятли эканини ҳам ҳис этаман. Чунки менинг ёзганларим ҳамқишлоқларимнинг қишлоғимиз ҳақидаги ўй-фикрлари, қалбларидаги самимий сўзлари ва гурур-ифтихорларини ифодадай олиши керак-да.

Шундай масъулиятни ўз зиммамга олиб баҳоли қудрат она қишлоғим - Гулдировнинг залворли тарихи, қадимий ёдгорликлари, самимий ва камтар кишилари, қўйингчи, унинг кичик бир таржимаи ҳолини ёзишга киришдим.

Бу хайрли ишда менга елкадош бўлган азиз дадажонимга, барча устозларимга ва албатта, ўзларининг бегараз ёрдамларини аямаган бошқа ҳамқишлоқларимга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Азиз ўқувчи! Мана бугун «Гулдиров қишлоғи» китобчаси сизнинг қўлингизда. Уни ўқиб чиқиб, гурур-ифтихоримга шерик бўлсангиз, сиздан жуда хурсанд бўламан.

Аллоҳ насиб этса, кейинги йилларда қишлоғимиз тарихини, ҳамқишлоқларимиз ҳаётини бунданда қизиқарли ва янги маълумотлар билан бойитилган ҳолда ёритишни ният қилдим.

Битта тилагим бор: илоҳим, барчага ўз она тупроғида бахтли умр кўриш ва унга содиқ фарзанд бўлиш насиб этсин.

Ҳурмат билан муаллиф

Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли...

1. Гулдиоров тарихи

Дунёда номи машҳур бўлган адиблар жуда кўп. Аммо нафақат ўзбек адабиети, балки умумтуркий адабиётнинг буюк намояндаси Ҳазрат Абдулла Қодирий бобомиз «Ўтган кунлар» романини жуда чиройли ибора билан бошлаганлар... «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли дейдилар...»

Биз ҳам ана шу ҳикматга амал қилиб, Гулдиоров қишлоғининг тарихидан сўз бошладик.

ГУЛДИРОВМИ - ГУЛДИРОБМИ?

Топонимлар, жумладан ойконимлар, яъни жой номларини урганиш - халқимиз тарихи, этнографияси, деҳқончилик, суғориш, иншоотлари тарихи билан боғлиқ кўплаб маълумотларга ойдинлик киритиши маълум. Ана шундай ҳолатни «Гулдиоров» ойконими ва қишлоқдаги бошқа сув билан боғлиқ жой номлари - гидронимларда ҳам кузатиш мумкин.

Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари чегарасида, қир-адирлар этагида, Қўриқ ва Кушан қишлоқлари орасида Гулдиоров жойлашган. Маълумки, ҳар бир қишлоқнинг номланиш тарихи бўлади. Гулдиоров топоними ҳам ўзига хос тарихга эга қишлоқ номларидан биридир. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, XX аср бошларида Гулдиоровдаги булоқлар бирлашиб ҳосил қилган ариқнинг суви салкам 30 метр баландликдан шаршара сингари гулдираб оқиб тушган. Бу сувнинг овози ўша пайтларда Янгиқўрғон ва Кушан қишлоқларигача эшитилиб турган экан. Шу сабабли бўлса керак, қишлоқнинг номи «Гулдуруб» деб аталган, яъни, «гулдур»-ўзбекча тақлид сўз, «об»-тожикча бўлиб, «сув» деганидир. Дастлаб Гулдуруб, гулдурайдиган сув, кеинчалик галаффузи ўзгариб Гулдиоров шаклига келган. Кўплаб ҳужжатларда Гулдиоров шаклида ёзиб келинаётганлиги учун биз ҳам шундай ёзишни маъқул кўрдик.

Умуман олганда, Гулдиоровда булоқлар жуда кўп. Энг кўп булоқлар жойлашган адир оралигини Гулдиоров бува ёки Мингбулоқ деб аташади.

Кекса ҳамқишлоқларимизнинг айтишларича, қорлар эриб, баҳорги ишлар бошланганда Гулдировда ариқ-зовурлар қазилган, чопилган. Гулдировга Короскон, Чортоқ, Кўшан қишлоқларидан ариқ чопувчилар чиқишар экан. Айниқса коросконликлар кўп чиқишган дейишади. Улар эрта баҳорда Гулдировга ҳатто ҳўкизларни олиб чиқиб қурбонлик қилишган. Катта ҳашар бошланган. Бир неча кун мобайнида булоқлар, улардан оқиб чиқувчи ариқлар чопилган, тозаланган. Одамлар ҳатто ётиб қолиб ишлашган. Доим сувга эҳтиёж катта бўлган Короскон қишлоғи аҳолиси Гулдировга бутун ёз бўйи миробларни навбатма-навбат юбориб турган. Улар тунда ётиб қолиб сувни назорат қилишган. Ёз фаслининг ўрталарида яна ҳашар уюштирилган, ариқлар чопилган, натижада булоқларнинг суви кўпайган.

Ўзбекистон қадим замонлардан суғорма деҳқончилик ватани ҳисобланади. Деҳқончилик асосан дарёлар бўйида ривожланган бўлса ҳам қишлоқларда ва тоғ олди манзилларида булоқ сувларидан унумли фойдаланиб келинган. Гулдиров ҳам ана шундай манзиллардан бири. Қишлоқдаги маҳалла, кўча умуман жой номларининг ҳаммаси деярли сув билан боғлиқ, яъни гидронимлардир.

Қишлоқ асосан тўртта маҳаллага бўлинган:

- 1.Гулдиров
- 2.Сой
- 3.Тўдамайиз
- 4.Булоқ

Гулдиров маҳалласи қишлоқнинг марказида жойлашган бўлиб, юқорида таъкидланганидек, энг кўп булоқлар оқиб чиқадиган манзил. Мактаб, савдо дўконлари, боғча шу маҳалла ҳудудида.

Сой маҳалла қишлоқдаги энг катта сойнинг ҳар икки томонида жойлашган. Баҳорги ёғингарчилик пайтлари жуда кўп сел келади. Ана шу селхоналарни Соё деб аташ расм бўлган. Шунинг учун ҳам Соёда сув доимо оқмайди.

Тўдамайиз маҳалласининг номи ҳам сув билан боғлиқ. Бу жойда қир этакларидан ўнлаб булоқлар оқиб чиқади. Булоқларда сумбуллар, сув ичидаги тошларда майизга ўхшаш

сув ўтлари тўп-тўп бўлиб ўсади. Шу сабабли бу маҳаллани Тўдамайиз деб аташади.

Булоқ маҳалласи Бирлашган қишлоғидан келадиган катта селхона - сойнинг икки томонида жойлашган. Бу ердаги аҳоли асосан булоқ ва коризларнинг сувларидан фойдаланишади. Бу маҳаллада ҳам бир неча булоқ ва коризлар мавжуд. Шунингдек, бу ерга Тўдамайиз маҳалласидан иккита ариқ оқиб келади.

Гулдиrowда ариқлар жуда кўп. Энг каттаси Ёнариқ бўлиб, қишлоқнинг ўртасидан оқиб ўтади ва Кўшан қишлоғигача боради. Тепа ариқ, Паст ариқ, Ўрта ариқ, Тегирмон ариқ, Гулдиrow ариқ, Закан ариқлар ҳам шулар жумласидандир.

Қишлоқда булоқлар сон-саноксиздир, шу билан бирга қудуқлар ҳам бор. Қудуқ сўзи бу қишлоқда тамоман бошқа маънода ишлатилади. Одатда қудуқлар ердан коwлаб, суви тортиб олинади. Гулдиrowдаги қудуқлар эса қир ёнбағриларида қазилган бир неча чуқурликларни ер остида бирлаштириш орқали сув чиқариладиган иншоотдир. Бундай сув иншоотларини коризлар деб аталади. Булоқлар табиий равишда чиқиб ётса, кориз - қудуқлар алоҳида усулда ва жиҳозлар ёрдамида чиқарилган. Гулдиrowда Болтавой буванинг қудуғи, Тоживой буванинг қудуғи, Қозгон булоқ, Эрмат сўфининг қудуғи, Худойназар буванинг қудуғи, Нормат буванинг қудуғи, Мирзақул старчи (старший -оқсоқол)нинг қудуғи каби ўнга яқин коризлар бўлган. Ҳозир улардан фақат иккитаси қолган, холос.

Гулдиrowдаги қудуқ деб аталаётган бу ер ости сув иншоотлари тарихан кориз деб аталган экан. Коризлар жуда қадимий сув иншоотлари ҳисобланиб, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Эрон, Афғонистон, Кавказorti давлатларида жуда кенг қўлланилган. Ватанимизда Жиззах, Самарқанд вилоятларида юзлаб коризлар қазилган ва улардан ҳозир ҳам асосий суғориш шохобчаси сифатида фойдаланилади. Аммо Фарғона водийсида фақат Гулдиrow қишлоғидагина коризлар борлиги маълум бўлди.

Умуман бу коризларнинг қачон ва кимлар томонидан қазилганлиги алоҳида мавзу бўлганлиги учун бу ўринда тўхталмадик. Кейинги саҳифаларда алоҳида фикр юритамиз.

Гулдиоровда Кўл, Шолипоё, Орол, Жилга, Мозоржилга, Кўшан ариқ, Катта закан, Кичик закан каби ва юқорида тилга олинган ариқ номлари билан боғлиқ атоқли отлар, ҳамда солма, шовва, ташлама, қўтарма каби атамалар қўлланади.

Қисқа қилиб айтганимизда, Гулдиоровдаги сув билан боғлиқ бўлган жой номлари халқимизнинг суғориш иншоотлари ва суғорма деҳқончилиқ билан шуғулланиши ўзига хос сабабларга эгалигини билдиради.

Гулдиоров сув иншоотларини 5 та қисмга бўлиш мумкин:

1. Табиий булоқлар.
2. Қудуқ - коризлар.
3. Ариқ ва сойлар.
4. Шифобахш булоқлар.
5. Артезиан қудуқлари.

Гулдиоровда Сўғал булоқ, Йўтал булоқ, Қўтир булоқ Қозон «Қулоқ» булоқ каби шифобахш сувли булоқлар жойлашган дала бор. Айтишларича, қўлига сўғал тошган одамлар бир неча марта ихлос билан Сўғал булоқ сувида ювсалар, сўғаллари йўқолган. Йўтал булоқ суви сурункали йўталларга шифо бўлган. Баданига турли тошмалар тошган кишилар Қўтир булоқ сувида ювинганлар ва даво топганлар. Бу шифобахш сувли булоқлар тўғрисида ҳам кейинги саҳифаларда алоҳида фикр юритамиз.

Гулдиоров қишлоғидан доим оқиб ўтувчи иккита сой бўлиб, биринчиси Янгикўрғон туманидан, иккинчиси Қўриқ қишлоғидан оқиб келади. Ҳар иккала сой бирлашиб, Гулдиоров булоқларидан оқадиган ариқларга қўшилади ва Кўшансойни ташкил қилади.

Гулдиоровда жами ўнга яқин артезиан қудуқлари мавжуд бўлиб, улар асосан Чортоқ шаҳри, Гулдиоров ва Кўшан қишлоқлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган водопроводлар ҳамда айрим далаларни суғориш учун хизмат қилади.

Гулдилов қишлоғидаги жой номларини ўрганиш илмий ва маънавий аҳамиятга эга.

Гулдилов коризлари, уларнинг тузилиши, қазилиш тарихи ҳақида кекса ҳамқишлоқларимиз билдирган фикр - мулоҳазалар катта тарихий аҳамиятга молик, деб ҳисоблаймиз. Демак, энди навбат Гулдиловнинг фахри бўлган қадимий ёдгорликлардан бири - кориз - қудуқларига:

ГУЛДИРОВ КОРИЗЛАРИ

Кезиб чаман чорбоғларингни,

Ичдим зилол булоқларингни.

Эрка бўлиб, эркингни куйлаб,

Оқлай дейман ардоқларингни.

Муҳаммад Юсуф.

Одатда ичимлик сув манбаларини булоқ, қудуқ деб аталади. Аммо аҳён-аҳёнда кориз сўзини ҳам эшитиб қоламиз. Кориз атамаси Ҳазрат Алишер Навоий асарларида ҳам бир неча ўринда учрайди, луғатларда ер ости сув йўли деб изоҳланган.

1981 йил чоп этилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да кориз сўзига «Бир неча қудуқларни бирлаштирувчи ер ости канали, бир-бири билан бирлаштирилган қудуқлар системаси» деб таъриф берилган.

Дарҳақиқат, қир-адирлар этакларида бир неча қудуқ (камида учта) қазилади ва улар остидан бирлаштирилади. Бу қудуқлар пастдан тепага қараб чуқурлашиб боради. Энг пастдаги қудуқдан сув чиқади. Коризларнинг қудуқлари ҳар хил катталиқда бўлган. Асосан у ердаги сув манбаининг кўп-озлигига қараб, қудуқлар катта-кичик бўлади. Баъзи коризлар қудуқлари диаметри 1,5-2 метр бўлса, айримларининг диаметри 3, ҳатто 5 метргача бўлган. Коризларнинг остидан одам юриб бемалол бир қудуқдан иккинчисига ўта олган. Коризлар одатда

ҳар йили баҳор ойларида тозаланган. Коризлар асосан, Шарқ мамлакатларида: Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ва Кавказorti мамлакатларида кўплаб учрайди. Мамлакатимизда Жиззах, Самарқанд вилоятларида коризлар жуда кўп ва айна кунларда ҳам улардан унумли фойдаланилмоқда.

Фарғона водийсининг Ўзбекистонга қарашли вилоятларида коризлар борлиги маълум эмас эди. Аммо кейинги йилларда Чортоқ туманидаги Гулдилов қишлоғида ўнта кориз бўлганлиги аниқланди. Бу коризлар XX асрнинг 80-йиллари бошида тарихий ёдгорлик сифатида Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи (НВЎУМ) томонидан рўйхатга олинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1994 йил қайта рўйхатга олинди, - дейди Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходими Эркин ака Қорабоев.

Гулдилов коризлари ҳақида НВЎУМ архивида қўйланган 1982 йилда рус тилида тузилган Акт - Далолатнома (7-бет)да, Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, М. Исомиддиновнинг 1982 йил 11 мартда «Наманган ҳақиқати» газетасида босилган «Изланишлар самараси» номли мақоласида, тарих фанлари номзоди, доцент Йўлчи Қосимовнинг «Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан» (Т.: «Фан», 1988, 20-бет) номли китобида ва «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Фарғона водийси бўйича махсус мухбири Рустамжон Умматовнинг «Наманган ҳақиқати» газетасининг 2005 йил 20 августдаги сониди босилган «Гулдилов ва гулдиловликлар» номли мақоласида махсус фикр юритилган.

Фарғона водийсида ягона ёдгорлик бўлган Гулдилов коризлари ҳақида доцент Й.Қосимов фикри қуйидагича: «Чортоқ районидаги Ҳ. Олимжон номли совхоз территориясида Фарғона водийсида биринчи коризлар (ер ости сув иншоотлари) топилди. Бу коризларда ҳозирги вақтда ҳам сизот сувлар йиғилмоқда, уни ер юзига чиқариб фойдаланиш мумкин. Ер ости ариғининг суви кўп бўлмасада, у бўз ердаги совхозга зарур янги сув манбаларини кўрсатиб бериши мумкин. Ривоятларга кўра Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский - Ҳ. С.) замоналаридаёқ қурила бошлаган

коризлар область археологик ёдгорликлари мажмуасига қиритилди».

Айни чоғда ушбу коризлардан иккитасигина бутун ҳолда мавжуд. Қир-адирларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан Гулдиоров коризларининг кўпчилиги қулаб тушган. Айримлари сувини кўпайтириш мақсадида экскаваторлар билан ковлаб, бузиб ташланган.

Гулдиоровдаги коризлар қачондан бошлаб қазилган? - деган саволга ҳозирча аниқ жавоб йўқ. Бу коризларни пирсиён-форслар келиб қазиганлигини эшитган кексалар бор. Дадам билан суҳбатда (марҳум) Раҳматулла ҳожи Исматулла ўғли кўп маълумотларни айтиб берган эканлар. У кишининг айтишларича, пирсиёнлар кеч кузда отларда келишиб, кориз қазиладиган жойларнинг тупроғидан намуналар олиб кетишган. Келаси йил баҳорда келиб, коризни қаердан ковлаш фойдали, қаердан ковлаш бефойда эканлигини айтишган. Коризларни асосан бой-бадавлат одамлар адирлар орасидан ковлатишган. Пирсиёнлар мусулмон форслар бўлишган. Улар теридан қоп қилишган, бунини чоноч дейишган. Қудуқ лабига чигириқ ўрнатишган ва отлар ёрдамида қудуқ остидаги тупроқ, лойларни чоночларда тортиб олишган. Коризларни тозалаш ҳам асосан пирсиёнларнинг ишлари бўлган. XIX аср охири XX аср бошларида кимё фани ривожланаётган бир даврда тупроқ таркибини таҳлил қилиш орқали ер остида сув бор йўқлигини аниқлаш мумкин бўлгандир, балки. Гулдиоровлик кекса отахонлар, марҳум Раҳматулла ҳожи Исматулла ўғли, марҳум Раҳматилла домла Шойбек ўғли, меҳнат фахрийлари Тўхтаназар Турдиқулов, Ёқубжон Маҳмудов, Тоғживой домла Холматов, Ҳошимжон Тоғжибоев, Тўхтаназар Худойназаров, Қўшмамат Сотиболдиевлардан сўраб-суриштиришларимиз натижасида Гулдиоровдаги қуйидаги коризлар номини аниқладик.

1. Тўйчи буванинг қудуғи.
2. Мўмин буванинг қудуғи.
3. Қозғон булоқ (Андабек буванинг қудуғи).
4. Мирзақул старчи (старший - оқсоқол) қудуғи.
5. Эрмат сўфининг қудуғи.

6. Холмат буванинг қудуғи.
7. Мирзабой буванинг қудуғи.
8. Аҳмад ҳожининг қудуғи.
9. Эргаш буванинг қудуғи.
10. Худойназар буванинг қудуғи.



Юқорида таъкидлаганимиздек, шу кориз - қудуқлардан ҳозир иккитаси - Эрмат сўфининг ва Холмат буванинг қудуқлари бутун холос. Яна иккитаси бузилган ҳолатда. Бошқалари сув тушиб, ўпирилиб, кўмилиб қолган. Иккита бутун қудуқ - коризлар ҳам хавф остида. Чунки қир-адирлар ўзлаштирилиб, сув келиб, қулаб тушиш эҳтимоли йўқ эмас.

Халқимиз қадимдан суғориш ишлари билан жиддий шуғулланиб келган. Айниқса, қир-адирлар этагида булоқлар сувидан фойдаланадиган манзилларда коризлардан фойдаланиш ғоят катта аҳамиятга эга бўлган. Наманганлик академик Аҳмадали Асқаров дадам билан суҳбатда коризлар қадимда жуда муҳим суғориш иншооти бўлиб, маҳаллада қанча оила яшаса, коризларнинг қудуғи шунча бўлган деган эканлар.

Гулдинов коризлари ҳам аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва экинларни суғоришда муҳим роль ўйнаганлиги аниқ.

Гулдировдаги тарихий обидалар бўлган коризларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш, қўриқхона сифатида сақлаб, келажак авлодга етказиш долзарб вазифа, фуқаролик бурчимиздир.

Гулдиров қишлоғи ўртасида Садамозор зиёратгоҳи мавжуд. Бу зиёратгоҳдаги қабрга қўйилган тошга арабча хат битилган. Бу хат хижрий 662 йил, милодий 1264 йилда ёзилгани маълум бўлди. Балки Гулдировдаги дастлабки коризлар ўша даврларда ҳам мавжуд бўлгандир. Қудуқларнинг кейинги авлоди XIX аср охири XX аср бошларида қазилган бўлса ажаб эмас.

САДАМОЗОР ЗИЁРАТГОҲИ

Бизнинг Гулдиров қишлоғимиз Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари чегарасида тоғларга томон чўзилиб кетган қир-адирлар этагида, булоқлардан оқиб чиқувчи ариқлар ва сойлар бўйида жойлашган. Қишлоғимиз она юртимиздаги шундай гўшаларга жуда ўхшаб кетсада, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб ҳам туради. Гулдировнинг табиий географик шароити, жойлашуви, булоқлари ва бошқа сув иншоотлари, боғларию далалари ҳақида ҳам жуда қизиқarli маълумотларни ёзиш мумкин. Лекин биз бу ўринда юқорида таъкидлаганимиздек, қишлоғимиздаги муқаддас зиёратгоҳ - Садамозор ва у ердаги қабр тоши тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз. Нима учун Садамозор деб аталиши аниқ эмас, аммо 5-10 йил муқаддам бу зиёратгоҳда танасига иккита одамнинг қулочи ҳам етмайдиган улкан тераклар осмонга бўй чўзиб турганлигини эсласак (улар ҳатто Янгиқўрғон шаҳарчасидан ҳам кўриниб турарди), бу ерда қадимда сада-қайрағоч ҳам ўсган бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини англаб етамиз. Демак, қадимда тераклар билан биргаликда сада-қайрағочлар ҳам ўсган ва шу туфайли Садамозор номи қолган деб хулоса чиқарамиз. Умуман сада дарахти Гулдиров қишлоғида кўп эди. Кейинги йилларда қурт тушиб, кексалари қуриб қолди. Шу ҳолат ҳам бизнинг юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Энди Садамозордаги қабр тошига тўхталамиз, чунки асосий мақсадимиз ҳам шундай эди-да.


Кексаларнинг айтишларига қараганда, Садамозорнинг атрофи қадимда катта қабристон бўлган. Ҳозир шу қабристоннинг бир қисми, тош қўйилган қабр ва унинг атрофидаги 20 сотихлик зиёратгоҳ қолган холос. Атрофи олдин экинзор эди. Ҳозир аҳолига ҳовли - жой учун бўлиб берилган. Яқингача Садамозор зиёратгоҳи қаровсиз эди. Тўғри, атрофи пахса девор билан ўралган, дарахтлар тартибсиз ўсиб ётар, эрта баҳорда ҳамқишлоқларимиз, кўшни қишлоқлардан меҳмонлар келиб наврўзлик қилишарди. Айниқса, Наманган шаҳридан зиёратга келувчилар жуда кўп бўлар эди.

Ватанимиз Мустақилликка эришгач, кўплаб тарихий ёдгорликларни ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Жумладан, бизнинг Садамозор зиёратгоҳимиз ҳам тамоман ўзгача қиёфага кирди. Қабр устига гиштин мақбара қурилди. Зиёратчилар учун махсус жой тайёрланди. Қишлоқнинг масжиди ҳам шу зиёратгоҳнинг бир қисмига қурилди. Истиқлол туфайли ҳамқишлоқларимизнинг ҳам кўп йиллик орзулари рўёбга чиқди. Садамозор зиёратгоҳида амалга оширилган қурилишлар ҳашар йўли билан, асосан бу ердаги улкан теракларнинг пули ҳисобига бўлди. Кўҳна тераклар чириб, тез-тез синиб туша бошлаган эди. Бу ҳайрли ишларга кўп йиллар жамоа ҳўжалигида раҳбар бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақадаги отахон Турдиали Ўрозов бош-қош бўлмоқда. Умуман, Мустақиллик туфайли Садамозор зиёратгоҳи чирой очди десак, муболага бўлмас.

Зиёратгоҳдаги ягона қабр устига ёдгорлик сифатида қўйилган катта (30 кгча келадиган) қайроқ тошга арабча матн ёзилган.

Одамлар кўп йиллар давомида бу ёзувнинг маъносини билмадилар. Кейинги йилларда арабшунос олимлар, тадқиқотчилар томонидан бу қабр тошидаги ёзув ўқилди ва мазмуни маълум бўлди. Жумладан, бу қабр тошида шундай деб ёзилган экан: ***«Бу қабр фозилу комил, шарият илмларининг билимдони, доно, олим ва аслзода бир йигитники бўлиб, у олимлик ва назокату нафосат эгаси каби улуғ хислатларни ўзига олган зотдир. Саҳоватпешалик бобида барча ишларга ўзининг ҳиссасини қўшган бу йигитнинг исми Муҳаммад***

бўлиб, миллий ва арабий илмларнинг билимдони, миллат ва диннинг нури, саҳоватпеша ва солиҳ шайх номи билан танилган. Оллоҳ унинг қабрини муаттар ва жойини жаннатда қилсин. У ҳижрий 662 йилда вафот этгандир.»



Қабр тошидаги арабий матни бир неча олимлар, тадқиқотчилар ўқишди ва таржима қилишди. Таржималарнинг мазмуни деярли бир-бирига ўхшаш. Юқорида биз Наманган давлат университети катта ўқитувчиси, араб тили муаллими Маҳмуджон ҳожи Муҳиддинов таржимасини келтирдик. Мутахассислар арабча матндаги «Нурил милла ва дин Муҳаммад аш-Шайх ас-Солиҳ» жумлаларидан бу табаррук зотнинг исми ва унвони маълум бўлади, дейишмоқда.

Шундай қилиб, маълум бўладики, қабр тоши милодий 1264 йилда қўйилган. Хижрий 662 йил милодий ҳисобда 1264 йилга тўғри келар экан. Шу даврда яшаган ва ёш йигитлик пайтидаёқ машҳур бўлган Муҳаммад Шайх Солиҳ ҳазратлари ким бўлган? Йигитлигида вафот этган бўлса, шу давргача қилган қайси хизматлари учун бу юксак унвонга сазовор бўлганлар?

Бу каби саволларга тарихчиларнинг, қадимшуносларнинг навбатдаги тадқиқотларида жавоб топилади деб умид қиламиз.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Навоий ҳазратларининг устози мавлоно Абдурахмон Жомийни «*Нурил-миллат ва дин*», яъни Нуриддин баъзан Нуран маҳдум деб ҳам атаганлар. Мана шу далилдан келиб чиқиб, Садамозор зиёратгоҳига дафн этилган зотнинг ҳам ёзган китоблари ва хайрли ишлари қайд этилган манбаалар, албатта бўлган, ҳамда улар яқин келажакда топилади деб умид қиламиз.

Кексаларнинг айтишларича, XX аср бошларида узоқ бир жойдан 5 - 6 киши келиб, қабр тоши бу ерга адашиб келиб қолган, шунинг учун уни олиб кетамиз, деб тошни отга ортиб жўнашган, аммо кўп юрмай, отлари терга ботиб, ўрnidан жилолмай қолган экан, ноилож қолган «меҳмонлар» тавба қилиб, тошни ўрнига қўйиб, қайтиб кетишган экан.

ТУТМОЗОР МЎЪЖИЗАСИ

Гулдиrowда мозорлар кўп бўлиб, улардан энг каттаси Садамозордир. Ундан сўнг Тутмозор, Оқмозор, Қабристон, Мозоржилға.

Тутмозор қишлоқнинг Булоқ маҳалласи бошланадиган жойда, бурилишда жойлашган.

1950 йиллар охирида шу жойларни сугориш мақсадида трактор-булдозер ёрдамида текисланаётган экан.

Бу вақтда Булоқ маҳалласида бригада бошлиғи Тўхтаназар бува Турдиқулов - «Герой» лақабли киши бўлган. Тракторчи эса кўшанлик Абдужалил деган киши экан. Тутмозор ўрнига сув олиб ўтиш ва сув тараш қийин бўлганлигидан, текислаб сугоришга мослаштирмоқчи бўлишган. Иш қизиб турган бир пайтда тракторчи тракторни тўхтатиб, ўчирмай ҳам қоча бошлаган. Анча жойга бориб, ранги ўчиб тўхтаган. Унга сув сепиб, ўзига келтиришган, маълум бўлишича текисланаётган жойдан одамнинг бош суяги чиқиб қолган. Буни кўрган тракторчи кўрқиб кетган. Одамлар кўрқмасин деб бригадир Тўхтаназар Турдиқулов бош суягини қўлига олиб кўрган. Суякни айлантириб кўраётган пайтда офтоб нури тушиб бир нарса ялтиллаб кўринган. Бош суяги ичида тилладан қилинган сим илгаклар бўлган. Бу бош суягининг эгаси ёшлигида нимадир сабаб бўлиб бошидан операция бўлган деб тахмин қилишган. Бош мия қопқоғини очилган. Кейин қайта ўрнатишда, икки чаккасини олтин симдан илгак қилиб маҳкамланган. Бемор улғайгач, суяклар ҳам ўсиб, бош мия қопқоғи маҳкамланган, илгаклар суяклар орасида қолиб кетган. Ташқи томондан кўринмаса ҳам ички томондан кўриниб турган. Шу ерда ишлаётганлардан бири Қуръони Каримдан сура ўқиган, Абдураззоқ бува билан яна бир киши бу бош суягини бир катта тут тагига авайлаб кўмишган. Ҳозир бу тут кесилиб кетганлиги сабабли ўрнини аниқлаб бўлмади.

Тутмозордан одамнинг бош суяги чиққанлиги ҳақида анча йиллар гапириб юришган, аммо ичида тилла илгак борлигини кўпчилик билмаган. Тўхтаназар бува одамлар яна ковлаб, қидириб юрмасин деб ҳеч кимга айтмаган эканлар. Бу гапларнинг ҳаммасини Тўхтаназар бува дадам - Мўминжон Сулаймоновга 2003 йил ноябр ойида айтиб берган экан. Ўша суҳбатда уларнинг тиш шифокори бўлиб ишлайдиган ўғиллари Абдулла ака Турдиқулов ҳам қатнашган экан. «Сизлар ҳам юрибсизларда, тиши йўқларга илгак қилиб қўйдим,- дёб

мактаниб, бизнинг Гулдиrowда илгак қадимда тиш тугул мия суягига қўйилган», - деган экан ўшанда раҳматлик Тўхтаназар бува Турдиқулов.

Биз бу кичик тарихни шартли равишда «Тутмозор мўъжизаси» деб номладик. Ҳар ҳолда бу ҳикоя диққатга сазовор бўлиб, Гулдиrow қишлоғида жуда қадим замонларда ҳам кишилар яшаган манзиллардан бири эканлигини англатади. Шу ўринда Гулдиrowдаги «14 гектарлик» деб номланадиган даладан жуда кўплаб сопол синиқлари чиқиб туришини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Тўхтаназар Турдиқулов 1950 - йилларда зарбдор ёшлар бригадасига етакчи бўлган. Пахтадан юқори ҳосил олган, «Меҳнат қаҳрамони» унвонига тавсия этилган, аммо колхозми, районми гўшт режасини бажармаганлиги учун (380 кг ётмай қолган) унга «Меҳнат қаҳрамони» унвони берилмаган. У киши яқин 30-40 йил мобайнида колхозда бригадир сифатида фаолият кўрсатганлар. Тўхтаназар бува Турдиқуловни қишлоқ аҳли ҳозир ҳам Герой ова (ова-Гулдиrow қишлоғи шевасида амаки дегани) деб ҳурмат билан тилга олишади.

ГУЛДИРОВ МАҲАЛЛАЛАРИ

Шоир эмас, жарчи бўлсайдим агар,
Ким келса дердим мен, қайси сарҳаддан:
Меҳмон, марказни қўй, маҳаллага бор,
Бизда маҳалладан бошланар Ватан!

Муҳаммад Юсуф

Гулдиrow қишлоғида юқорида таъкидлаганимиздек, асосан тўртта катта маҳалла бор. Булар: Гулдиrow, Сой, Тўдамайиз, Булоқ.

Кўриниб турибдики, бу маҳаллаларнинг ҳаммаси сув билан боғлиқ номга эга.

1. Гулди́ров маҳалласи қишлоқнинг ғарбий ҳудудини ва марказини ташкил этади. Гулди́ровнинг шимолидаги адирлар орасида жойлашган сой Гулди́ров бува деб аталади. Бу ерда минглаб булоқлар бўлгани учун Мингбулоқ деб ҳам аташади. Бу булоқлар суви асосан учта ариққа бўлиниб оқади. Биринчи ариқ қишлоқнинг кунботиш томонидаги ҳовлиларни суғоради. Иккинчи ариқ қишлоқнинг ўртасидан оқади ва Қўшан қишлоғига боради. Бу ариқ суви иккига бўлинади:

а) Тегирмон ариқ. Сув тегирмонларини сув билан таъминлабгина қолмай, қишлоқнинг айрим экин майдонларини ҳам суғоради.

б) Катта ариқ. Янгикўрғондан келаётган законлар сувига қўшилиб, Қўшансойни ташкил этади. Учинчиси Ёнариқ қишлоқнинг ўрта қисмидаги, марказий ва жанубий экин майдонларини суғоради ҳамда у ҳам Қўшан қишлоғигача етиб боради.

2. Сой маҳалла қишлоқ шимолидаги Бирлашган қишлоғидан бошланувчи қирлар орасидаги сой этагида жойлашган. Бу сой асли селхона, яъни ёмғир сувларидан ҳосил бўладиган сел оқадиган катта сой. Шунинг учун бу ерларни Сой маҳалла дейилади. Маҳалла ҳовлилари сойнинг икки томонига жойлашган. Бу маҳаллага Тўдамайиз маҳалласидан иккита ариқда сув келади. Юқорида фикр юритилган Садамозор зиёратгоҳи ҳам шу маҳалланинг бошланишида жойлашган.

3. Тўдамайиз маҳалласи қир-адирлар этагидан оқиб чиқувчи зилол сувли булоқлардан ҳосил бўлган ариқлар бўйига жойлашган. Бу булоқлар тошлар орасидан оқиб чиқиб, бешта ариқни ҳосил қилади. Иккита ариқ Сой маҳалласига, ғарбга томон оқади. Яна иккита ариқ жанубга - Булоқ маҳалласига қараб оқади. Битта закон эса Паст маҳалла орқали Ёнариққа қўшилади.

Тўдамайиз булоқларининг ўзига хослиги шундаки, бу булоқларда сунбул ўсади. Қишлоқ аҳолиси буни Биби Фотиманинг сочлари деб атайдилар. Тошлар орасидан сизиб, чаккилаб турган сувда соч толалари сингари сунбуллар осилиб туради. Бундан ташқари Тўдамайиз булоқларининг яна бир хусусияти бор, бу булоқлардан майизга ўхшаш майда қўнғир

сув ўтлари тошларга ёпишиб ўсади. Шуларга нисбатан маҳаллани Тўдамайиз дейилган, деб айтишади кексалар. Ҳақиқатан ҳам сув ўтлари тўп-тўп бўлиб ўсади. Тўдамайизда булоқлар асосан тошлар орасидан сизиб чиқади. Гулдиров маҳалласидаги булоқлар эса ер остидан қайнаб чиқади.

4. Булоқ маҳалласи қишлоқнинг жанубидаги ерларни эгаллаган. Худди Сой маҳалласи каби Бирлашган қишлоғидан бошланувчи сой-селхонанинг икки томонида жойлашган бўлиб, аҳолиси асосан булоқ ва коризлар сувларидан фойдаланади. Тўдамайиз маҳалласидан борган иккита ариқнинг бири даладан ўтади, иккинчиси эса Булоқ маҳалласининг ярим аҳолисини сув билан таъминлайди. Булоқ маҳалласида қадимда булоқ ва коризлар кўп бўлган. Булар Худойназар буванинг (кориз) қудуғи, Эрмат сўфининг (кориз) қудуғи (ёнида булоқ ҳам бор), Холмат Нормат ўғлининг булоғи ва маҳалланинг Оқтерак деб аталувчи қисмида бир неча булоқлар ва коризлар мавжуд. Ҳозир Гулдиров коризларининг иккита бутуни, яъни сақланиб қолганлари ҳам шу Булоқ маҳалласида жойлашган. Бу коризлар юқорида санаб ўтганимиздек Эрмат сўфи ҳамда Холмат Нормат ўғлининг кориз-қудуқларидир.

Булоқ маҳалласининг шимолида, 1,5-2 км узоқликда Қозғон булоқ (Андабек ованинг қудуғи) коризи бўлган. Бу Гулдиров қишлоғидаги энг катта кориз бўлиб, унинг ер ости йўлидан одам қаддини тик тутиб бемалол юра олган. Кун қизиган ёз ойларида даладаги қўйлар шу қудуқлар остига кириб салқинлар экан. Кейинчалик Бирлашгандан оқиб келган лойқа сувлар тушиб Қозғонбулоқ қудуқлари тўлиб, ўрни текисланиб кетган.

Булоқ маҳалласи Оқмозор деган жой билан туташ, Қўшан қишлоғига чегарадош. Бу маҳалланинг шарқида Саратон деган жой мавжуд бўлиб, унда булоқлар, ҳовузлар ва бог бор. Умуман Булоқ маҳалласида ўз номига яраша булоқ ва қудуқлар, шунингдек, бир неча коризлар бўлган. Аммо уларнинг кўплари эҳтиётсизлик ва яна турли сабабларга кўра бузилиб, йўқолиб кетган, ҳозирда мавжудларини асраб қолиш чораларини кўриш керак.

Гулдировнинг шифобахш булоқлари

Гулдиров қишлоғининг Булоқ маҳалласи бошланадиган жойида, Кўшан қишлоғи билан чегарадош далада бир неча шифобахш сувли булоқлар бор. Улар Ёнариқнинг пастки қисмидаги узун дала охирида, йўлга яқин майдонда жойлашган.

1. Йўтал (кўк йўтал) булоқ. Бу булоқ суви йил ўн икки ой бир хил тураверади, оқиб чиқиб кетмайди, қуриб ҳам қолмайди. Оқиб чиқиб кетмаса ҳам суви айнимайди. Агар йўтал бўлган одам бу булоқ сувидан ихлос билан ичса, албатта шифо топади. Бу булоқ бошида тол дарахти бор эди. Толнинг барглари сувига тушса ҳам чириса ҳам суви бузилиб қолмас эди. Ёш болалар йўтал бўлганда, сурункали йўталса (кўк йўтал) шу булоқ сувидан ичирилган. Булоқ сувини ичган бемор соғайиб кетган.

2. Сўгал булоқ. Бу булоқ 1960-йилларда ҳозиргидан анча катта бўлиб, ўртасида қайнаб турган кўзи ва тубсиз ҳовузи бўлган экан. Уни Худойберган Абдураззоқов деган киши тозалаб тураркан.

Бу булоқ суви ҳам оқиб чиқиб кетмайди, қуриб ҳам қолмайди, айнимайди. Булоқ суви билан ихлос қилиб сўгалларни ювилса, албатта шифо бўлади. Булоқ суви қўлларга тошган сўгалларга тез шифо бўлади. Камида уч марта ихлос билан ювиш керак.

Дадамнинг ҳикояларига кўра, шу сўгал булоққа 1967 йилда энди йўлга юрган икки ёшли Абдуманноб амаким тушиб кетганлар. Раҳматли Фотимахон бувимиз буни кўриб, жон ҳолатда ўзларини булоққа ташлаганлар. Амакимни тепага олиб чиққанлару, аммо ўзлари чўка бошлаганлар. Уларнинг айтишларича, ўшанда оёқлари булоқ тубига етмаган экан. Чўкаётган бувимизни маҳалладош аёллардан бири – Турсунжон хола Абдиева булоқдан тортиб олган экан. Илгари шу булоқ атрофидаги каттакон жийда тагида, -дейдилар дадам, -бригада дала боғчаси жойлашар эди. Ёш болалар шу ерда, ҳовуз атрофида ўйнаб юришган.

Ўша пайтларда булоқ атрофига панжара қиламиз, ҳатто булоққа қопқоқ қилиб қўямиз ҳам дейилган. Аммо бу ишлар амалга ошмаган. Аксинча, 1990 йилларда булоқ сувини бутунлай ковлаб чиқариб, ўрнини қуришга ҳаракат қилганлар. Шундан буён булоқ кичкина бўлиб қолган. Айни пайтда Сўгал булоқ сувининг таркиби ҳимий ўрганиш даври келди деб ҳисоблаймиз.

3. Қўтир булоқ Ён ариқдан Қўшан ариққа сув тушадиган ариқча ёнида, тол тагида жойлашган. Бу булоқнинг сал тепасида артезиан қудуғи бор, шу қудуқдан Қўшан қишлоғига сув олиб борилган. Қўтир булоқ сувидан баданига (қўтир) қуриқ тошма тошган беморлар ювиниб, шофо топишади. Булоқ сувидан ихлос билан ювинган бир неча бемор шифо топганлигини кексалар тасдиқлашди.

Менимча, бу булоқ сувидан ташқи таъсир туфайли турли тошмалар тошган беморлар даво топган бўлса керак. Ички (ичак, меъда) органлар касалланиши оқибатида терида пайдо бўладиган яра-чақаларга бу булоқ суви шифо бўладими, йўқми, аниқлаш, текшириш керак.

4. Қулоқ булоқ. Бу булоқ Ён ариқ этагидаги дала четида жойлашган, қайнаб чиқиб турувчи булоқдир. У Қозон булоқ ҳам деб аталади. Илгари бу булоқ суви жуда ширин бўлган экан. Булоқ тубида иккита катта тилсимли тош бор дейилган. Қозон (Қулоқ) булоқ иккита бўлган ва суви қайнаб чиқиб, пастга шарқираб оқиб тушар экан. Илгарилари ёш болалар қулоғининг ичи йиринглаб кетса, ювиб, тозалаб қўйилган, яхши бўлиб, шифо топиб кетган дейишади, кексалар.

Ўша пайтларда бу булоқнинг ҳам сувини кўпайтирамиз деб ҳаракат қилишган. Натижада биттаси қуриб қолган. Ҳозир илгариги суви йўқ. Балки улар тепароқдан қазилган бирор-бир артезиан қудуғи билан бир чизик, бир оқимда жойлашгандир.

Гулдиоровнинг азиз меҳмонлари

Инсон истиқомат қиладиган манзилларга меҳмонларнинг келиши табиий ҳол, албатта. Гулдиоровга ҳам тез - тез меҳмонлар ташриф буюриб туришади. Кексаларнинг

айтишларича, бир неча азиз меҳмонларнинг ташрифи кўпчиликнинг хотирасида ҳамон сақланиб келмоқда.

1969 йил машҳур ҳофиз Таваккал Қодиров қишлоғимизда меҳмон бўлган экан. У Гулдиоровдаги кўлда қайиқда юриб қўшиқ айтган дейишадди фахр билан кексалар.

1971 йил жамоа хўжалигига машҳур шойримиз Ҳамид Олимжон номининг берилиши муносабати билан элимизнинг ардоқли шоираси Зулфия хоним Гулдиоровга келиб, дала меҳнаткашлари билан учрашган. Миришкор пахтакор, депутат, бир неча давлат мукофотлари соҳиби Меҳринисо Қозоқова бригадасидаги боғда, ҳовуз бўйида ажойиб учрашув бўлган. Шоира ўз шеърларидан ўқиб берган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасининг бош муфтийси Зиёвуддин Бобоҳон Эшон 1974, 1976 - йилларда икки марта Гулдиоровга ташриф буюрганлар. Қишлоғимиздаги энг сўлим манзиллардан бири бўлган Тожибой буванинг боғида ҳам бўлганлар. Шунингдек, Садамозордаги қабр тошига ёзилган арабча матнни ўқиб, мазмунини айтиб берган эканлар. Аммо ўша пайтда бу матн мазмунини ҳеч ким ёзиб олмаган экан.

1999 йил Гулдиоровга Наманган давлат университети филология факультетида ишлаётган Миср Араб Республикасидан келган стажёр ўқитувчи - устоз Холид ибн Абдулҳамид меҳмон бўлиб келган. Меҳмон билан қишлоқдаги 13 - ўрта мактабда жуда қизиқарли учрашув бўлган.

Швециялик профессор билан учрашув

Чортоқ туманидаги Гулдиоров қишлоғида жойлашган Огаҳий номидаги 13-ўрта мактабда синфдан ва мактабдан ташқари ишларга катта эътибор берилади. Мактабда асосан шу илм ўчоғида таълим олган муаллимлар фаолият кўрсатадилар. Муаллимлар жамоасининг асосий қисмини ёш педагоглар ташкил этади. Шунинг учун бўлса керак ўқитувчилар фаолиятида ёшларга хос шижоаткорлик сезилиб туради. Ёш мутахассислар кекса ва тажрибали устозлари билан бамаслаҳат ишламоқдалар ва яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Мактабда тез-тез турли мавзуларда фан кечалари, мусобақалар ва учрашувлар ўтказиб турилади. Олимлар, шоирлар ва турли касб эгалари билан ўтказиладиган учрашувлар одат тусига кириб қолган ҳамда улар ўқувчилар дунёқарашини ўстиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Яқинда муаллимлар жамоаси ва ўқувчилар швециялик социолог олима профессор Мария Луис Санден билан қизиқарли учрашув ўтказдилар. Профессор Мария Луис Швециянинг Линчёпинг шаҳридаги университетда дарс берар экан. У Марказий Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида социология фанини ўргатилиши муаммолари билан қизиқар экан.

Ўтган йили Наманган муҳандислик педагогика институти ўқитувчиларидан иборат делегация Швециянинг Линчёпинг университетидан илмий сафарда бўлиб қайтишган. Улар орасида мазкур мактабнинг собиқ ўқувчиси Англияда магистратурани ботириб келган Абдулбоқи Бозоров ҳам бор эди. Наманганлик олимлар Швециялик ҳамкасблари билан илмий ва амалий ҳамкорлик қилишга келишиб олишган ҳамда уларни Ўзбекистонга, Наманганга таклиф қилган эдилар. Мария Луис Санден хоним ана шу шартнома ва таклифга кўра Наманган муҳандислик педагогика институтига маъруза ўқигани келган экан. Профессорнинг вақти жуда тизим бўлишига қарамай, мактабга таклиф қилишганда бажону дил рози бўлибди. Мактабда аввал меҳмон билан муаллимлар суҳбатлашдилар. Кейин ўқувчилар билан учрашув ўтказилди. Бу мулоқот савол-жавобларга бой бўлди. Меҳмон оддий кишлоқ шароитидаги ўқувчиларнинг илмга чанқоқлигини кўриб ҳайратланганини яшириб ўтирмади. Унинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлари янада бойиганлигини таъкидлаши мактабга қилган ташрифидан мамнунлигини билдириб турар эди. Ўз ўрнида меҳмон 63 ёшда эканлигини айтиб, кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Чунки у ёшига нисбатан эпчил ҳаракат қилар эди ва анча тетик, бардам кўринарди. Бу нарса муттасил ҳаракат ва режимга риоя қилиш туфайли эканлигини айтиб ўтди, профессор хоним.

Меҳмон билан учрашувда асосий савол-жавоблар Швециядаги ўқитиш тизими ҳақида бўлди. Қизиқувчан

ўқувчилар саволларига атрофлича жавоб берган меҳмонимиз ўзи ҳам турли саволлар билан мурожаат қилди. Унинг саволлари асосан географияга оид бўлиб, Швециянинг қайси қитъада жойлашганлиги, пойтахти қайси шаҳар эканлиги ҳақида эди. Бу саволларга ўқувчилар ҳеч қийналмай жавоб қайтардилар. Мактаб жамоаси билан хайрлашар экан меҳмонимиз, бундай илмга чанқоқ ёшларга эга бўлган юртнинг келажаги буюк бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, деб ўз мулоҳазаларини баён қилди. Меҳмонга ўзбекона удумга мувофиқ эсдалик совғалари топширилди. Учрашувда асосан инглиз тилидан мулоқот воситаси сифатида фойдаланилди. Бу эса ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган масъулиятларини янада оширди деб ўйлайман.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мактабимизда турли учрашувлар жуда кўп ўтказилган, аммо бу галги учрашув ўзининг самимийлиги, қизиқарлилиги билан кўпчиликда катта таъсурот қолдирди.

II . Зиёлилар қишлоғи

Маърифат маскани.

Гулдинов қишлоғида жойлашган 13-умумий ўрта таълим мактаби 1930 йилда ташкил топган. У дастлаб икки йиллик бошланғич мактаб бўлган. 1933 йилдан 4 йиллик, 1950 йилда 7йиллик, 1962 йилдан 8 йиллик, 1969 йилдан 10 йиллик ўрта мактабга айлантирилган.

Ушбу мактабни 1969 йилдан 2005 йилга қадар 1000 га яқин ўқувчи битирган, яъни ўрта маълумот олган. Мактабда 1971-1974-1981 йилда кечки синфлар ҳам ташкил этилган. Мактабимизни битириб олий маълумотли бўлганлар сони 120 тадан ортиқ, шулардан 30 нафари аёллар. Мустақиллик йилларида ушбу мактабни битириб, олий маълумотли бўлганлар сони 60 нафардан кўпроқ.

Бугунги кунда мактабда 35 нафар педагог ёш авлодга таълим-тарбия бермоқда. Шулардан 21 нафари олий

маълумотли, 2 нафари тугалланмаган олий, қолганлари эса ўрта махсус маълумотли педагоглардир.

Бизнинг мактабимизда энг биринчи галда интизом ҳамда одоб-ахлоққа катта эътибор берилади. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари, самимий фазилатлар эгаси бўлиб камол топишлари учун устозлар бор меҳнатларини аямайдилар. Бундай самарали меҳнатларнинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда Республикамизнинг турли олий ўқув юрларида 30 дан ортиқ мактабимизнинг собиқ ўқувчилари таҳсил олмоқдалар. Ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларида мактабимизнинг ўнлаб ўқувчилари иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашган ва ҳозир ҳам эгаллашмоқда. Масалан: 1) Шерматова Шахло, 11-синф бўйича, 1986 йил, ўзбек тили ва адабиёти фанидан Республика олимпиядаси финал босқичи иштирокчиси. 2) Ғойиббоева Моҳира, ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича вилоят олимпиядаси иштирокчиси, 1985. 3) Тоғаева Шаҳноза, математика фани бўйича, иқтидорли болалар слёти вилоят босқичи иштирокчиси, 1999 йил. 4) Йўлдошев Раҳимжон, биология фани бўйича вилоят олимпиядаси иштирокчиси, 2000. 5) Тўхтабоев Эркин, биология фани бўйича вилоят олимпиядаси иштирокчиси, 2001. 6) Йўлдошева Соҳиба, биология фани бўйича вилоят олимпиядаси иштирокчиси, 2003, 2004, 2005. 7) Сулаймонова Хулқарой, ҳуқуқшунослик фани бўйича вилоят олимпиядаси иштирокчиси, 2003.

Ҳозирда мактабимизда 470 нафарга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда. 18 та синф хонаси, 1 та лаборатория хонаси, 3 та спорт майдончаси, 1 та кутубхона улар ихтиёрида.

Мактабимиз 1970-1980 йилларда нафақат тумандаги, балки вилоятдаги энг илғор билим масканларидан бири бўлган. Унинг бундай нуфузга эга бўлишида устоз ўқитувчилар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Сайфулла Исматуллаев, катта ўқитувчи Отамирза Сотиболдиев, Раҳимжон Шерматов, Нурматжон Неъматов каби ўқитувчиларнинг ва талабчан раҳбар (марҳум) Тўхтаназар Дўстматовларнинг ҳиссалари катта бўлган. Айнан ўша йилларда мактабимизда таълим олган битирувчилар ҳозирда элу юртимизга барча

соҳаларда сидқидилдан хизмат қилмоқдалар. Ўз танлаган касблари туфайли кўплаб муваффақиятларга эришмоқдалар. Жумладан:

1. Исматуллаев Зокиржон. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида бўлим бошлиғи.

2. Қўчқаров Абдурахмат. Янгиқўрғон тумани марказий шифохонасида бош врач ўринбосари. У 2004 йилда Исроил давлатида малака ошириб қайтган.

3. Қаҳҳоров Султонбек. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг бошлиғи. 1998 йил Австрия, 2001 йил Германияда малака ошириш гранти соҳиби. Ҳозирда Наманган вилоят ҳокимлигида котибият бошлиғи.

4. Сулаймонов Мўминжон. НамДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди. Ҳозирда Низомий номидаги ТДПУ докторанти.

5. Бозоров Абдулбоқи. 1998 йил «Умид» жамғармаси гранти соҳиби бўлиб, Англиянинг Ньюкасл университетида магистратурани тамомлаган. Ҳозирда Наманган муҳандислик педагогика институтида ўқитувчи ҳамда Дипломатия ва халқаро иқтисодий муносабатлар университетининг тадқиқотчиси.

6. Бозоров Абдулвоҳид. 2002 йилда Ҳиндистон информатика операторлари малакасини ошириш гранти соҳиби. 2003-2005 йилларда Японияда «JICE» фондининг JDS гранти соҳиби сифатида магистратурада таҳсил олиб келди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бугунги кунда ҳам мактабимизнинг аввалги нуфузи бардавом бўлишига ўз ҳиссаларини қўшаётган устозлар талайгина. Биология - география фани ўқитувчиси Носиржон Расулов, бошланғич синф ўқитувчиси Эътиборхон Ғойиббоева, жисмоний тарбия ўқитувчиси Зокиржон Расулов, она тили ва адабиёти муаллимаси Шаҳлохон Шерматова ва бошқа кўплаб устозлар ўз фан йўналишларидаги янгиликларни яхши билиши ҳамда дарсларида фойдалана олишлари билан ўқувчилар ва ота-оналарнинг олқишларини олмоқдалар.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ислоҳ қилиш дастури қабул қилингандан сўнг, мактабимизда катта

ўзгаришлар рўй бермоқда. Синф хоналари замонавий услубда жиҳозланмоқда. Энг асосийси ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар ҳамда бадий адабиётларнинг етарли даражада ташкил этилаётганлигидир.

Айни пайтда мактабимизнинг барча устозлари-ю ўқувчилари бу қутлуг маърифат масканининг 75 йиллигини катта шодиёналар билан ўтказиш тараддудини кўрмоқдалар.

Мазкур мактаб нафақат Чортоқ туманида, балки вилоятимизда ҳам юқори натижаларни қўлга киритаётган мактаблардан ҳисобланади. Мактабда ўз касбининг моҳир усталари бўлган Абдумутал Саидматов (бошланғич таълими), Худойберди Ярашев (химия), Сайфулла Исматуллаев ва Ҳакимжон Ғофуров (ўзбек тили ва адабиёти), Баҳодир Юнусов (рус тили ва адабиёти), Раҳимжон Шерматов ва Отамирза Сотиболдиевлар (математика) каби муаллимлар фаолият кўрсатган пайтларда педагогликка, врачликка, филология, математика ва иқтисодиёт соҳаларига қизиқиш ҳаддан ташқари юқори бўлди.

XX аср охирларида ҳам қишлоқ мактабига турли жойлардан ўқитувчилар келиб дарс ўтишган бўлса, ҳозир ҳамма мутахассислар ҳамқишлоқларимиз. Ҳатто кўшни қишлоқ мактабларида, туман касб-ҳунар коллежларида ишлаётган ҳамқишлоқ муаллимлар ҳам талайгина.

Гулдинов қишлоғи Интернет саҳифаларида

Ҳозирги кунда компьютер технологиясининг халқаро тўр-интернетга оид жиҳатларини билмаган ва ундан фойдаланмаган кишини учратиш қийин. Қайсидир маънода интернет тармоғи инсоният тафаккурининг ажойиб кашфиёти сифатида одамзод оғирини енгил қилишда, муаммоларни ҳал этишда беминнат ёрдамчи вазифасини ўтамоқда. Халқаро телефон алоқалари (шаҳарлараро, мамлакатлараро)дан, ҳатто уяли телефондан ҳам фойдаланиш қиммат бўлиши аниқ. Интернет орқали сўзлашув эса деярли сув текин дейиш мумкин. Бу солиштириш, балки унчалик тўғри эмасдир, аммо

интернетнинг афзалликларидан бирини таъкидлашга ҳаракат қилдик. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, интернет орқали сўзлашганда, суҳбатдошингизни кўриб ҳам туришингиз мумкин. Интернет тезкор «суҳбат» (чат) орқали эса, хоҳлаганча гаплашиб, алоқа қила оласиз. Электрон почта эса ҳар қандай катта ҳажмдаги хабар-хатни дунёнинг исталган бурчагига бир секундда етказа олади. Шунинг учун ҳам бугун интернет кафелар тирбанд, доимо гавжум.

Интернетдан бирор бир маълумотни топиш учун аввало унинг қайси веб - сайт (веб-саҳифа)да жойлашганлигини билиш керак. Ҳар бир маълумот алоҳида веб-саҳифада бўлади. Интернетга веб-саҳифа жойлаштириш анчагина мураккаб иш бўлиб, оператордан, яъни саҳифани тайёрлаётган шахсдан чуқур билим ва малака талаб қилади.

Хуллас ҳозир интернет тармоғида «Гулдинов қишлоғи» веб-саҳифаси мавжуд. Бу мураккаб шу билан бирга шарафли вазифани Тошкент автомобил йўллари институти 3-курс талабаси Абдуғани Бозоров ва Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг битирувчиси Алишер Қутуповлар амалга оширдилар. Веб-саҳифанинг манзили www.guldinov.narod.ru

Бу сайтда қишлоқ тарихи, тарихий обидалари, одамлари, мактабимиз тарихи, қишлоқда спорт каби маълумотлар, фотосуратлар жой олган. Сайтни яратиш ва бойитишда Наманган муҳандислик педагогика институти ўқитувчиси Абдулбоқи Бозоров ҳам катта ҳисса қўшди. Аслида қишлоқ сайтини яратиш ғояси ҳам Абдулбоқи домла томонидан илгари сурилган эди. Шу ўринда Абдулбоқи Бозоров 1989-1995 йилларда Беларус Республикаси пойтахти Минск давлат университетидида ўқиганлигини ва 1999-2000 йилларда Англиянинг Ньюкасл университетидида магистратурани битирганлигини, унинг укаси Абдулвоҳид Бозоров Японияда компьютер технологиясида амалга ошириладиган таржималарни такомиллаштириш бўйича тадқиқот иши олиб бораётганлигини ва магистратурада ўқиётганлигини ҳам таъкидлаб ўтишни лозим деб биламиз. Ака-ука Бозоровлар Гулдиров қишлоғининг фаҳри ҳисобланади. Уларнинг бевосита

ташаббуси ва ҳаракатлари туфайли Ер шарининг ҳамма бурчакларида Гулдиров қишлоғи ҳақида маълумот олиш мумкин. Чунки Гулдиров қишлоғи сайтидаги маълумотлар ўзбек тилида (лотин ёзувида), шунингдек, рус ва инглиз тилларида ҳам берилган.

Гулдиров аҳолиси

Кекса ҳамқишлоқларимизнинг айтишларича, ҳозир Гулдиров қишлоғида яшаётган кишиларнинг аجدодлари бундан 150 йил муқаддам қишлоғимизга келиб ўрнаша бошлаганлар. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, 1264 йилда қишлоқда аҳоли яшаган. Ундан сўнг қандай воқеа-ҳодисалар юз берган - булар ҳозирча сирлигича қолмоқда. Қишлоқнинг табиий географик ўрни ниҳоятда қулай бўлганлиги аниқ. Чунки Гулдировда булоқлар мўл бўлиб, кўп жойлар қамишзор ва ботқоқлик бўлган. Шунингдек, ўзлаштириш, суғориш учун қулай бўлган ерларнинг кўплиги фикримизга далил бўлади.

Қишлоққа ёз ойлари Кўшан қишлоғидан одамлар чиқиб ерларни ўзлаштириб, деҳқончилик қилишган ва қишда, яна кўчиб кетишган. Қиш ойларида эса тоғ ва тоғ олди манзилларида яшовчи чорвадорлар, асосан қирғиз халқи вакиллари Гулдировга қишлаш учун кўчиб келишган. Улар ўзларига қора қирғиз (кигиз) уй қуришган. Чорва молларига эса қўра, қўйхона, молхоналар қурилган. Гулдиров уларнинг вақтинчалик қишлов манзиллари бўлган. Айнан шу сўнгги фикр асосида тилшуносликка бўлган қизиқишим устун келганлигини асло яшира олмайман. Яъни қадимги туркий тилда яратилган китоблардан маълумки, ўзбек тилидаги қишлоқ сўзи ҳам айнан мана шу қишлов сўзидан келиб чиққан. Қиш фаслини ўтказиш учун бирор манзилга келиш, қишла-қишлаш яъни қишлов маълум бир фонетик ўзгаришларга учраб, ҳозирда мустақил сўз бўлган қишлоқ сўзига алоқадорлиги аниқ сезилиб туради.

XI асрнинг тилшуносликка оид нодир ёдгорлиги Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида «Қиш билан Ёй(Ёз)» мунозараси мавжуд. Ўша даврларда ёз фасли маъносидаги сўз ёй шаклида ишлатилган. Ҳозир ҳам айрим

ҳолларда айнан шу сўзларни бирини иккинчиси ўрнида қўлланади. Масалан дастурхонни ёзинг, дорга кирларни ёйинг, ёзилиб ўтиринг, дарё ёйилиб оқади, китобларни ёйиб қўй каби. Демак, ёз-ёй-ёйла-(ёзла)-ёйлов-яйлов, ёйлоқ-яйлоқ каби сўзларнинг ўзаро алоқаси борлигини ҳисобга олишимиз керак. Тилимизда қишлаш жойи-қишлоқ, қиш мавсуми қишлов, ёзлаш жойи маъносида яйлов сўзлари сақланиб қолган. Урал дарёсининг қадимги номи Ёйиқ бўлган, яъни ёйилиб оқадиган дарё маъносида.

Шундай қилиб, Гулдиров қишлоғида бундан 150-200 йил олдин инсонларнинг яшаши учун табиий шароитлар жуда қулай бўлганлигини қуйидаги фикрларимизни ҳам тасдиқлайди. Яъни Гулдиров адирларида қайроқи (лалми) буғдой мўл ҳосил берган, булоқларда, ариқлар ва кўлмакларда балиқлар, шунингдек, тўқайсимон қамишзорларда ов қушлари сероб бўлган. Чорва ҳайвонлари қишда қуриган қамишни еб озиқланиши мумкин эди. Бундан ташқари қиш-қировли кунларда ўтин учун ёғоч, шох-шаббалар, янтоқ, шувоқ каби ўсимликлар ҳам кўп бўлган.

Қишловни ўтказган чорвадорлар баҳор тугаши арафасида яна тоғ яйловларига кўчиб кетишган. Табиий ўғитлардан озиқланган унумдор ерларда яна кўшанлик, чортоқлик, ҳатто наманганлик кишилар келиб дехқончилик қилишган. Улар асосан қовун-тарвуз, маккажўхори, шоли, арпа, нўхот, мош, ловия, кеч кузда етиладиган сабзи, турп, шолғом каби сабзавотларни экишган. Гулдиров далалари қовун-тарвуз ҳамда бошқа полиз экинлари учун қулай жой бўлган. Аввало дов-дарахтлар кам бўлганлиги учун экинларга шира тушмаган. Иссиқлик ва сув етарли бўлган. Булоқлар, ариқлар бўйида ҳамда кўлмак жойларда асосан шоли етиштирилган. Гулдировда девзира гурунчдан ҳам мўл ҳосил олинган.

Аждодлари тарихини яхши билган кекса ҳамқишлоқларимизнинг ҳикоя қилишларича, Гулдировнинг ҳозирги аҳолиси бундан 130-140 йиллар илгари, балки ундан ҳам биров олдинроқ, асосан, Бўспи, Ўнғор тоғлари

этакларидаги манзиллардан кўчиб келиб, ўрнаша бошлаган ва ўтроқлашган.

Ҳозир Гулдиоровда 480 та хўжалик бўлиб, жами 1900 тадан ортиқ киши истиқомат қилмоқда.

Шажаралар тарихи

«Шажара» арабча сўз бўлиб, ўзбекчада «дарахт» деган маънони англатади. Араб тилида илм ҳақида «Ал-илми шажаратун вал амали самаратун», яъни, «Илм дарахтдур, унга амал қилиш эса мевадур» деган ҳикматли сўз бор.

Дарахт битта танадан ривожланиб ўсади ва шохлайди. Шохлардан эса кичик шохларча чиқади. Инсон авлодининг ҳаёти ҳам ана шу дарахтнинг ўсишига қиёс қилинади.

Қадимдан ота-боболар тарихини ўрганиш, ёш авлодга етказиш учун шажаралар тузилган. Халқимизда «Етти отани билиш қарзу фарз» деган ҳикмат бор. Шу туфайли ҳам ота-боболарини, уруғ-аймоғини сўраб-суриштириш одатий бир ҳол ҳисобланади.

Машҳур тарихий шахслар; шох ва шаҳзодалар, масалан, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг шажаралари кўпчиликка маълум. Қишлоқ тарихига оид суҳбатларимиз чоғида Гулдиоровда ҳам ота-боболарини сўраб-суриштириб, ўрганиб, ҳатто шажара сифатида ёзиб юрганлар борлиги маълум бўлди.

Ҳамқишлоқларимиздан Тўхтаназар Турдиқулов (марҳум), Қўшмамат Сотиболдиев, Ёқубжон Маҳмудов, Ҳошимбой Тожибоев, Шарофатхон Орзиматова каби кекса отахон ва онахонларимиз ўз шажараларини яхши билишар экан. Масалан, Тўхтаназар Турдиқулов 5 та авлодини билган. У кишининг чевараси, яъни Хайрулло Турдиқуловнинг болалари эса 8 та авлодни билади. Шулардан бошқаларига нисбатан бир мунча мукамалроқ бўлган Сотиболдиевлар шажараси ҳозирда Қўшмамат Сотиболдиев томонидан давом эттирилмоқда.

Оиламиз шажараси эса қуйидагича:

I. Мулла Бўта домла
(... 1924 й. в. эт.)



II Сулаймон мулла Бўта угли
(... 1966 й. в. эт.)



Суюмхон
(1924 - 1991)

III . Юсуфжон
(1929 - 1986)



Боқияхон
(1959)



1) Ибодатхон
(1958)

2) Мўминжон
(1962)

3) Абдуманноб
(1965)

4) Мавлуда
(1967)

5) Турсунали
(1972)

6) Муҳаммадали
(1977)

7) Обиджон
(1986)



1. Дурбек
(1986)

2. ҲулқарОй
(1988)

3. Фозила
(2000)

Гулди́ров аҳолисининг асосий машғулотлари

Гулди́ров қишлоғининг ўзига хос хусусиятлари унинг ўсимликлар дунёси билан ҳам белгиланади. Қишлоқда қадимдан ўрик жуда кўп бўлган. Қирлар ён бағрида офтоб ва шамол мўл бўлган бир шароитда ўрик жуда яхши ҳосил қилади. Кексаларнинг ҳикояларига кўра бундан 40-50 йил олдин Гулди́ровда минглаб туп ўрик дарахтлари бўлган. Мустабид тузум ҳукмронлиги даврида бу ўрикларнинг аксарият қисми пахта қуритиш мақсадида кесиб ёқиб юборилган.

Гулди́ровда улама, яъни пайванд қилиб, асосан, субҳони, қандак, ниёзмат ўриклар кўпайтирилган. Хашаки ўрикларнинг жуда кўп турлари бўлиб, уларга эътибор кам бўлган. Эртапишар оқ ўрик бозорда жуда харидоргир бўлади. Хашаки ўрикларни қуритиб туршак қилинади, қиш ойларида юракка мадор бўлади деб қайнатиб ичилади. Саломатлик учун фойдали бўлган бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда.

Гулди́ровда ўрик ҳамма ҳовлида бор десак, асло муболаға бўлмайди. Гулди́ровликлар учун бозордан ўрик сотиб олиш айб саналади. Янги ҳовли қилганлар кўчиб келмай туриб ўрик экади. Вақти келиб ҳосилга кирган ўриклар ҳам ҳўллигида, ҳам қуритиб сотилади. Хўл ўрикни еб тугатиш тугул, ҳатто сотиб ҳам тугатиб бўлмайди. Шунинг учун қуритиб сотиш қишда фойдали. Ўрик икки хил усулда қуритилади:

1. Қоқиб олиниб, томда, яъни куёш нури яхши тушадиган жойда қоғоз, ялпиз, қамиш ёки бошқа нарсалар устида қуритилади.

2. Олтингургурт билан ишлов бериб, рангли қилиб қуритилади.

Гулди́ров аҳолиси боғдорчиликдан - ўрик, бодом, ёнғоқ, жийда, узумдан яхши ҳосил олган ва қиш ойларида қуруқ меваларни сотиб бошқа харажатларини тўлдирган. Илгари тонналаб қуриқ мевани, асосан, ўрикни Россияга олиб бориб, консерва ёки компот цехларига сотиб келинган. Бундан жуда катта даромад олинган. Тўйлар қилинган, уйлар қурилган.

Тўрақўрғонда қуруқ меваларни қайта ишлаш заводи ишга тушгач, Янгикўрғонда филиали очилди. Россияга боришга ҳожат қолмади. Ҳозир 3 йилдан буён Гулди́ров ўриклари

баҳорда совуқ уриб кетиб мева қилмаяпти. Бунга экологиянинг бузилиши сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман.

Ўрикларни асосан эрта баҳорда куртакларидаги киталари гунчаламай туриб пайванд қилинган. Бу эрта баҳорги пайвандлашни «искана пайванд» дейилган. Гулдировликлар айрим сўз ва атамаларни бошқа жойдагиларга нисбатан ўзбекча ишлатадилар, масалан, калитни - очқич, виключателни - ўчирғич, эшик ручкасини - тутқич, дастаррани - қўларра, оташкуракни - ўткурак деб ишлатганликлари каби, «пайвандлаш» сўзини ҳам «улаш» деб гапирадилар. Ҳамқишлоқлар тилида «меваларни уладик», «уладим», «кўчатларни улатдик» каби иборалар кўп учрайди.

Пайванднинг яна бир тури кита пайванд бўлиб, у асосан август, сентябрь ойларида новдалардаги янги кита-куртакларни олиб бошқа дарахт танасини ёриб, шу ёриққа китани ўрнатишдир.

Кейини пайтларда узумни ҳам илдизидан искана пайванд қилиш синаб кўрилди. Тажрибали боғбон Исмоил Тожибоев 2005 йил шу усулни қўллаб яхши натижа олди.

Аслида узумлар икки хил йўл билан кўпайтирилади.

1. Кеч кузда калит, яъни сурхлардан олиб қўйилади. Қишда ерга кўмиб қўйиб, баҳорда ўтқазилади.
2. Пархиш-парғама усули. Бу усулда кеч кузда янги узум сурхини ерга кўмилади, баҳорда эса фақат уч тарафи очилади. Узум танаси ер остида қолади. Бир-икки йилда илдиз олса, кейин кесиб қўйилади ва асосий танадан ажратилади.

Гулдировда узумдан юқори ҳосил оладиган уста боғбонлар кўп бўлган ва ҳозир ҳам бор. Булардан Маматмурод Дадақўзиев, Тожибой Холмат ўғли, Абдумалик Пўлатов, Турдибой Қодиров, Исмоил Тожибоев кабиларнинг номларини айтиш мумкин.

Узумдан ҳам гулдировликлар яхши ҳосил олганлар. Ҳовлиларда ҳам, дала-боғларда ҳам узум кўп бўлган. Узум мевасини ҳўллигида ҳам, қуритиб, майиз қилиб ҳам истеъмол қилинган, сотилган. Ҳозир ҳам узумнинг кўпгина навларидан мўл ҳосил олинмоқда. Гулдировда ёнғоқ, бодом, шафтоли, жийда, беҳи, нок, олма каби мевалар ҳам мўл ҳосил беради.

Гулдиrowликлар қадимдан чорва моллари ва уй ҳайвонларини боқиш билан шуғулланадилар. Деярли кўпчиликда сигир бор. Сутини соғиб қатиқ, қаймоқ қилинади. Ҳамма оилада қўй-қўзи бор. «Қўй боқинг баракадир» деган ҳадисга амал қилишади бизнинг ҳамқишлоқлар. Шунингдек, товуқ боқиш ҳам анча ривожланган. Қорамоллар тахминан 400-500 бошни, қўй-қўзилар эса 1500-2000 бошни ташкил қилади. Молларни далада етаклаб боқишади, қўйларни эса ҳайдаб, пода қилиб боқиш одат бўлиб қолган экан. Ҳозир қир-адирлар ўзлаштирилгач, қўй боқадиган яйловлар ҳам камайиб кетди.

Гулдиrowнинг субҳони ўриклари Наманганда қанчалик машҳур бўлса, қайроқи уни ҳам шунчалик машҳур бўлган, дейишади кексалар. Наманганликлар қадимда «Кўшаннинг субҳони ўриги ва қайроқи ундан яхшиси йўқ» деб таърифлашар экан. Кўпчилик наманганликлар Гулдиrowни яхши билмаганликлари учун ҳам Кўшан қишлоғи билан алмаштириб юборишган бўлса керак. (Аслида Кўшан қишлоғида ҳам ўрик ва қайроқи бугдой жуда яхши бўлган).

Қир - адирларнинг ўзлаштирилиши билан Гулдиrowда қайроқи бугдой экиш ҳам кескин камайиб кетди. Деҳқончилик асосан суғориладиган ерларда олиб бориладиган бўлди. Бирлашганликлар, алихонликлар, қорамуртликлар, қўриқликлар ва кўшанликлар билан бирга гулдиrowликлар ҳам адирларни ўзлаштиришга зўр бердилар. Қорабоғ сув омборидан сув чиқардилар, натижада қир - адирлардаги шўр пастга сизиб, Гулдиrow булоқлари шўрлашиб кетди. Қадимда одамлар ётиб олиб ҳавасга ичадиган булоқлар сувини энди умуман ичиб бўлмайдиган ҳолга келди. Бу сувлар билан ҳатто экинларни ҳам суғориш мумкин эмас, - дейди Гулдиrow МФЙ раиси, асли касби гидротехник бўлган Исроилжон Мирзаолимов.

Деҳқончилик Гулдиrow аҳолисининг асосий машғулоти ва тирикчилик манбаидир. Кўпчилик ҳовлисида унумли фойдаланади. Жамоа хўжалиги далаларида асосан бугдой, пахта ва бошқа экинлар экилади.

Аҳоли ҳовлисига ва дала боғларига бугдой, картошка, пиёз, сабзи, беда, маккажўхори ва бошқа экинларни экишади. Асосан кеч кузда бугдой, ёзда пишиб етилгач, уни ўриб, ўрнига эса картошка, сабзи ва маккажўхори экилади. Қир - адирда кечки сабзи яхши бўлади. Астойдил меҳнат қилиб, минерал ўғит топиб солса, картошка, пиёз ҳам яхши ҳосил беради.

Ҳамқишлоқларимиз полиз экинларидан ҳам яхши ҳосил олишади. Асосан қовун-тарвуз, ошқовоқ экилади. Гулдиновда бодринг, помидор, булғор гармдориси каби сабзавотлардан ҳам мул ҳосил олинади. Асосан кўпчилик пояси ва дони учун маккажўхори экади. Гулдиновда доимий қовун экиб яхши ҳосил олувчилар бор. Улар қаторида Ҳошимбой ота Тожибоевни, Давлатали Тўрабоевни, Йўлдошбой Дадақўзиевни, Неъматжон Расуловни, Дилмурод Ғойиббоевларни айтишимиз мумкин. Қир-адирлар ўзлаштирилгач, қовун-тарвуз экувчилар ҳам кўпайиб қолди.

Паст маҳаллада яшовчи Абдуҳолиқ Йўлдошев (марҳум) ошқовоқ ўстириб, етиштиришнинг устаси бўлиб, далаларга, ғўза пайкаллари этагига ошқовоқ экиб, жуда зўр ҳосил олган, дейишади кексалар.

Гулдинов одамлари

Гулдиновда айрим касб-хунари билан машҳур бўлган кишилар ҳам талайгина. Мулла Тожибой бува Холмат ўғли, «Боғбон ова» номи билан танилган Маматмурод Дадақўзиев, Абдумалик Пўлатов кабилар асосан боғбон сифатида машҳур.

Абдулвоҳид Назаралиев ва Абдужалил Пўлатов «Гулдиновлик асалчилар» номи билан машҳур бўлишган. Абдулвоҳид Назаралиев 1965 йилдан бошлаб 40 йил асалари боққан экан. Унга қадар у киши дурадгор уста бўлган. Кейин оилавий ҳолда асалари боқишди. Абдужалил Пўлатов ҳам 1960 - йиллар охиридан бошлаб асалари боққан.

Гулдиновнинг биринчи дурадгор устаси 1928 йилда туғилган Уста Туман Тожибой ўғлидир. Уста Туман 1950 йил 3 ойлик қурилиш курсини битирган бўлса ҳам устоз кўриб, машҳур бўлган. Ун йил давомида қўшанлик уста Убайдулла бувага шогирд бўлиб юрган. Ўзларининг айтишларига

қараганда, 1940 - йилларнинг охирида эски, занг босган бир тешани топиб олиб, ниҳоятда қизиқувчанликдан уни эговлаб, қайраб, соб қилиб, арава ясаган. Уста Туман жамоа хўжалигига Умрзоқ Юсупов раис бўлган пайтларда колхоз отхонасида отбоқар бўлиб ишлаганда шу аравасидан фойдаланган экан. Раиснинг назарига тушгач, уни уста Убайдулла овага шогирд қилиб беришган. Дурадгорчиликка жуда қизиққан. Уста Туман Тожибой ўгли Гулдинов, Қўшан, Қўриқ, Қорабоғ қишлоқларида, ҳатто қўшни Қирғизистон Республикасининг бизга яқин ҳудудларида ҳам уй-жойлар қурган. 1960 йилдан мустақил иш бошлаган, 40-45 йил давомида тахминан 300 га яқин уйлар қурди. Гулдиновдаги масжидларни қуришда ҳам бош-қош бўлган. Ойна кесишга жуда ҳам уста. Уста Туманнинг бир неча шогирлари ҳам бор. Раҳимбой ака Пўлатов ана шулардан биридир.

Уста Туманда устози Уста Убайдулла овадан эсдалик бўлиб қолган асбоблар бор. Уларни доим асраб-авайлаб юрадилар.

Уста Туманнинг гаройиб одати бўлиб, ҳеч замонда қурадиган уйини, қиладиган ишини олдиндан баҳолаб олмаган. Тарихда фақат бир марта қирғизистонлик бир бойвачча агар олдиндан баҳолаб олмасанг, бор кетавер, ишлатмайман деб худони зорини қилганда, баҳолаб олган экан. Бундан бошқа ҳеч бир жойда на уй қурсин, на бошқа иморат солсин олдиндан нарх айтиб баҳолашиб олмаган. Устага бу устозидан меросми, билмадик, аммо бошқа усталарда кам учрайдиган ҳолдир.

Иш битгач, олдига қанча пул қўйсангиз ҳам «Розимисиз, Оллоҳу акбар!» - дейди, кетаверади. На кам дейди, на кўп дейди. Ишим тугади қачон пулини берасан ҳам демайди. Бу ғалати одати умр бўйи сақланиб қолди, дейишади ҳамқишлоқлар.

Қишлоқнинг биринчи ўрта махсус маълумотли қурувчиси Эгамберди Мамадалиев бўлган. У Андижондаги қурилиш техникумини битирган. 1950 йилларда қурилиш ташкилотларида прораб бўлиб ҳам ишлаган. Гапга жуда чечан киши бўлган экан раҳматли. 2000 йил 5 март куни оламдан

ўтганлар. Менинг бобом Юсуфжон Сулаймонов билан тенгқур бўлган эканлар. Уста Эгамберди Ўзбекистонда «Аълочи қурувчи» нишонини олганлар, бир неча «Фахрий ёрлик»лар билан тақдирланганлар.

Уларнинг ўғиллари: Абдулбоқи ва Абдулвоҳид Мамадалиевлар ўз оталарининг ишларини давом эттирмоқдалар.

Уста Тўхтабой Қосимов ҳам дурадгор уста бўлган эканлар. Уларнинг уч ўғли ҳам уста. Абдуқаҳҳор, Абдурахмон, Абдубанно ота касбини давом эттириб, қишлоқ аҳлининг оғирини енгил қилишмоқда.

Қишлоқда биринчи тракторчи Муқим ва Ҳаким ова Умаровлар бўлган. Ака-укалар энг қадимги тракторларни ҳам минишган. Кейин Райимжон Мирзақулов, Ғанижон Маҳмудов, Жалолдин Норматов, Абдурахмат Тожибоев, Иминжон Тўйчибоев ва бошқалар моҳир тракторчи бўлиб етишдилар. Кейинги пайтда жуда кўпчилик бу касбнинг устасига айланиб қолди, кўпчилиги нафақага ҳам чиқиб улгурдилар.

Қишлоқдан чиққан биринчи шафёр бу - Ҳайитбой Қаюмов. Ундан сўнг Ҳайитбой Тожибоев, Норинбой Тўхтабоев, Алимқул Андабековлар ҳам бу касбни давом эттирдилар.

Гулдиоровда ўзига хос фазилатга эга бўлган ажойиб инсонлар яшаб ўтганлар ва ҳозир ҳам яшайдилар. Ана шундай кишилардан бири Райимжон бува Мирзақулов (худо раҳмат қилган бўлсин) эдилар. Бир оз юморга мойиллиги бор бу киши 1932 йил туғилан эканлар. У киши қишлоқдаги энг моҳир тракторчилардан бўлган. Тракторларнинг овозидан ҳолатини, яъни соз ёки носозлигини айтиб берганлар. Ҳозир гулдиоровлик тракторчиларнинг аксарияти ана шу кишининг шогирдлари ҳисобланади.

Райимжон бува оғир карвон, жуда жиддий кўринадиган киши бўлсалар ҳам, ҳазил -мutoйибага уста бўлган эканлар. Ҳар йили ёзда гўзага ишлов бериш зарбдор ойлиги эълон қилиниб, сувчи ва тракторчилар рағбатлантирилар экан. Бу хайрли иш бир йили озгина кечикибди. Бунини тузатиш фурсати ҳам келиб қолибди.

Райимжон бува бир куни далада ғўзага ишлов бериб турсалар, дала четидан бир қора «Волга» машинаси секин юриб ўтиб кетибди.

Орадан ярим соат вақт ўтар-ўтмас бир оқ рангли «Волга» машинаси келиб, дала четида тўхтабди. Эшик очилиб бир киши тушибди. У жамоа хўжалигининг раиси экан. Қўлини кўтариб, тракторни тўхтатишга ишора қилибди. Ҳорма, бор бўлдан сўнг сўрабди.

-Ҳозир ўтган қора «Волга» бу ерда тўхтадими?

-Ҳа, тўхтади, -жавоб берибди Райимжон бува, таваккал қилиб.

-Нима деди? -сўрабди раис.

-Ишимизни кўрди, тракторчиларга нима шароит яратилган, қандай ёрдам қилиняпти? -деб сўради, бамайлихотир гапирибди Райимжон бува.

-Сиз нима дедингиз? -хавотир аралаш сўрабди раис.

-Мен нима дердим, яқиндагина бир қоп ун, 2 кг асал, 10 кг ёғ, 100 сўмдан пул беришди дедим, -дебди қувлик қилиб Райимжон бува.

Раис сал ўзини босиб олибди-да: Яхши айтибсиз, сизга раҳмат, -деб машинасига ўтириб жўнаб кетибди.

Эртаси куни бригаданинг тракторчи ва сувчиларига 1 қопдан ун, 2 кг дан оқ қанд, 5 кг дан ёғ тарқатилибди. Конвертда 100 сўмдан пул (ўша пайтда 100 сўм пулнинг қадри баланд бўлиб, бозорда бир бош она-бола қўй берар экан) беришибди.

Райимжон буванинг енгил ҳазили асли ҳар йили бўлиб келаётган ёрдамни эслатиб қўйиш учун бир баҳона бўлган, холос. Бундан тўғри хулоса чиқарган раис эртаси кунинёқ омборчи билан кассирга айтиб рағбатлантириш чораларини кўрган.

Райимжон бувамининг бунга ўхшаш қизиқ ишлари жуда кўп бўлган деб эслашиб, кулишиб юришади ҳамқишлоқларимиз.

Бир куни ярим тунда Райим бува қўшни Қўшан қишлоғидан «гап»дан келаётса, колхоз бедапоясида бир уйдаи келадиган беда ғарами қимирлаб-қимирлаб қўяр эмиш. Олдин

бир оз ҳадиксираб турган бува яқинроқ бориб қараса, ҳақиқатан ҳам беда ғарами. Ўриб, қуритиш учун ёйиб қўйилган бедадан бир киши роса уйдаи келадиган ғарам қилиб кўтаришга ҳаракат қилаётган экан. Райимжон бува секин ўтиб қараса танишларидан бири. Ерга энгашиб ҳарчанд уринсада, оғир юкни елкасига ололмайди, аммо бир оз камроқ кўтариш ҳаёлига келмас экан. Шунда бувамининг яна қувликлари тутибди. Ўғри беда ғарамини энди кўтариб елкага олай деганда, Райимжон бува ерга томон секин тортиб қўяркан. Шу тариқа роса бир соатча беда ўғрисини хуноб қилибди. Бу пайтда ўғри беда ғарами билан бир неча қадам жойга сурилиб борибди. Бува қарасалар, тонг ҳам отиб қоладиган, охири киши билмас сал кўтариб, ёрдам қилиб қўйибдилар. Райимжон бува бу воқеани анча йиллар ҳеч кимга айтмай юриб-юриб, охири айтибдилару, аммо ўша киши ким эканлигини айтмабдилар

1939-1945 йилларда бўлиб ўтган 2-жаҳон уруши инсоният бошига мислсиз кулфатлар солгани барчамизга маълум. Қуйида биз 2-жаҳон уруши фронтларида тинчлик учун жанг қилган ҳамқишлоқларимиз ҳақида маълумот берамиз:

II Жаҳон урушида қатнашган гулдировликлар.

1. Урушга кетиб қайтиб келмаганлар:

1. Абдураззоқ (ёки Валиев) Масир (ёки Мансур) 1905-10 йилларда туғилган.
2. Ашуров Абдуқаҳҳор.
3. Ашуров Мамадали.
4. Бўрибоев Абди. 1941 йил урушга кетган, келмаган. Ўғли Нишонбой Абдиевнинг айтишича урушга 1942 йил 22 январда кетган.
5. Бўдиев (Будибоев) Ином (ёки Инон). 1908-1910 йилларда туғилган. 1942 йил урушга кетган.
6. Мамадалиев Тожибой (гулачи).
7. Мамаюсупов (ёки Юсупов) Худойберган.
8. Маҳкамов Одил (Макканов Адил). 1922-1923 йилларда туғилган. 1941 йил урушга кетган.
9. Мирзаев Мамазакир (ёки Мирзабобев Мамазокир).

10. Мирзақулов Тўхтавой. 1920 йил туғилган, 1939 йил урушга кетган. Охирги марта Брестдан хат келган.
11. Нишонов Турсунбой. 1924 йилда туғилган. 1943 йилда урушга кетган.
12. Овилов Тўйчи. 1910-1911 йилларда туғилган.
13. Йўлдошев Абдуқаҳҳор.
14. Йўлдошев (ёки Валиев) Бобур. (Валиев Ислон)
15. Саримсоқов Раҳмонберди. 1910 йилда туғилган. 1943 йилда урушга кетган.
16. Сотиболдиев Мамадали. 1904-1905 йилларда туғилган.
17. Султонов Сатимбек. 1926 йилда туғилган. 2000 йилда аниқланишича Венгрияда ҳалок бўлган.
18. Тоғаев Абдукарим. 1937-38 йилларда Самарқандда ҳарбийда ўқиган. Офицер.
19. Тўйчибоев Аливой. 1939 йили урушга отлиқ аскар бўлиб кетган.
20. Тўйчибоев Асилбек. 1910 йилда туғилган. 1940 йил урушга кетган.
21. Тўйчибоев (ё Валиев) Бобур.
22. Тўлабоев Мамадали. 1901-1903 йилларда туғилган. 1939 йилда ҳарбийга хизматга кетган.
23. Холматов Мамат. 1939-1940 йилларда урушга кетган.
24. Холматов Ҳайдар. 1925 йилда туғилган. 1943 йил урушга кетган. Пензадан 1 та хат, Полевая почтадан 1 та хат келган.
25. Худойбердиев Сайфиддин. 1924 йилда туғилган.
26. Хўжаев Маҳкам. (Маккан). 1905-1906 йилларда туғилган. 1940 йилда урушга кетган.
27. Хўжаев Тўхтавой. Гулдировдан 1-комсомол бўлган.
28. Шербоев Аматай. 1940 йилда урушга кетган.
29. Шербоев Холиқ. 1941 йилда урушга кетган.
30. Қурбонбоев Нурмамат.
31. Қўчқаров Бойназар. 1941-42 йилларда урушга кетган.
32. Ҳайдаров Абдуллажон. 1924-1925 йилларда туғилган.
33. Умаров Ҳамдамбой.
34. Бойматов Исомиддин. (Исоқ).
35. Давлатов Нурмамат.

2. Урушдан қайтиб келганлар:

36. Бўронов Абдурайим. Фин, немис, япон урушларини кўрган.
37. Мирзаолимов (Қўшчи) Отамирза.

38. Норйигитов Баҳриддин. Уруш қизиган пайтда бориб қайтиб келган.
39. Пўлатов Абдумалик. 1925 йилда туғилган. Уруш пайтида армияга бориб келган. Ҳозир ҳаёт.
40. Овилов Абди. 1904-1905 йилларда туғилган. Урушга бориб, қайтиб келган.
41. Пўлатов Раҳимберди. 1924-1925 йилларда туғилган. Урушдан ярадор бўлиб келиб, оламдан ўтган.
42. Сотиболдиев Азим.
43. Тоғаев Абдурайим. 1905-1906 йилларда туғилган.
44. Турсунқулов Болтавой.
45. Тўқабоев Сулаймон. Урушга бориб қайтиб келган. Айни пайтда Қирғизистон республикасининг Боткен районида яшайди.
46. Холмирзаев Мамадали. Урушга кетиб чўлоқ бўлиб қайтиб келган. Шу ерда оламдан ўтган.
47. Худойназаров Тўхтаназар. 1923 йил туғилган. Урушга кетиб қайтиб келган. Ҳозир ҳаёт.
48. Шойбеков Раҳматилла. 1941 йил урушга бориб, қайтиб келган. 2002 йил январда оламдан ўтган.
49. Эргашев Раҳмонберди. 1915-16 йилларда туғилган. 1941 йилда урушга кетиб, 1944 йилда қайтиб келган.
50. Ҳожиматов Абдулла. Урушга бориб қайтиб келган.
51. Мирзаолимов Тожибой. 1942 йил кетиб, 1945 йил қайтиб келиб, 1946 йил март ойида ярадорлиги туфайли оламдан ўтган.
52. Қозоқов Уста Турғун.
53. Абдурахмонов Нурмамат.
54. Хўжашев Эргаш.
55. Тўрабоев Олимжон.
56. Эрматов Йўлқун. (Жулқун).
57. Мамадалиев Боймирза.
58. Мамадалиев Аматали.
59. Холматов Дейқон (Деҳқон).

Бу маълумотлар Гулдинов тарихи учун дадам Мўминжон Сулаймонов томонидан ёзиб олинган суҳбатлар, хотираларнинг 1-дафтаридан олинди. Суҳбатдошлар: Раҳматулла хожи Исматулла ўғли (худо раҳматига олган бўлсин), Тожибой бува Холмат ўғли, Ҳошимжон бува Тожибой ўғли, Тўхтаназар бува Турдиқул ўғли, (раҳматли), Ёқубжон бува Мирзамаҳмуд ўғли, Тўхтаназар бува Худойназар ўғли, Райимжон Мирзақул ўғли, Қўшмамат Сотибодиев, Шарофатхон Орзиматова ва бошқалар.

Муаллифнинг матбуот саҳифаларида эълон қилинган хабар, мақола ва шеърлари рўйхати

1. Шеър ишқи (шеър), «Янгиқўрғон ҳаёти», 2003, 8 март, 5 - бет.
2. Ғамхўрликка амалий жавоб(хабар), «Наманган ҳақиқати», 2004. 28 январ, 8 -бет.
3. Спортсевар гулдировликлар (мақола). «Қишлоқ ҳаёти», 2004, 2 ноябр,
4. Коризларни биласизми? (мақола). «Маърифат», 2005 йил, 24 август, 12-бет.
5. Дўстимга (шеърлар), «Маърифат гулшани», 2005, 15 сентябр. 13 -бет.
6. Спорт байрами (хабар). «Чортоқ ҳақиқати», 2005, 17 сентябр.
7. Дўстларимга (шеър), «Янгиқўрғон ҳаёти», 2005, 17 - сентябр, 4 -бет.
8. Менинг Ҳамиджон бувам (мақола), Ҳамиджон Ҳомидий - зуллисонайн олим, (Биобиблиография ва мақолалар тўплами), Наманган, 2005, 101 -103 -бет.
9. Шеърият гулшани, «Маърифат гулшани», Наманган, 2005, 13-октябрь.
10. Гулдировми - Гулдиробми? «Маърифат», 2005, 5 октябрь.
11. Сирлари ечилади «Чортоқ ҳақиқати», 2005, 22 октябрь.
12. Интернетда www.guldirov.narod.ru веб-сайти, 2004.
13. Гулдиров қишлоғи. Рисола, Наманган, 2005, 52 бет.
14. Садамозор қабртоши. «Таълим ва тафаккур» журнали. Наманган 2005, 5 (19),27-бет.
15. Томчи. Шеърлар тўплами. Наманган - 2005, 36 бет.
16. Излайман. «Бегойим» газетаси. 2005, 17 ноябр 22-бет.
17. Ўтиб кетди. Ekspress info газ. 2005, 17 ноябр, 46-бет.
18. Муаллимлар туфҳаси компьютер (мақола). «Чортоқ ҳақиқати». 2005йил. 19 ноябр.
19. Тарихий рисолалар. (мақола) «Наманган ҳақиқати» 2005 йил 19 ноябрь.
20. Қалбим ҳайратлари. (қатралар) «Янгиқўрғон ҳаёти» 2005йил 19 ноябр.
21. Алам. (шеър) «Даракчи», 2005 йил 10 ноябр.
22. Муаллимлар ҳиммати. «Мураббий». 2005 йил 23 ноябр.
23. Дўстларимга, Жавоб, Йигладим бугун. (шеърлар) «Чортоқ ҳақиқати» 2005 йил 26 ноябр.
24. Қалбим ҳайратлари. «Халқ иродаси», 2005 йил 25 ноябрь.
25. Ўтиб кетди. Йигладим бугун. (шеърлар) «Қамолот» 2005 йил 20-21 сон,10-30 ноябрь.
26. Қалбим ҳайратлари: Биринчи хулоса. Зиддият. Иккинчи хулоса. Учинчи хулоса. Далолат. Ибтидо ва интиҳо. «Ҳайрат» 2005 йил 1 декабрь.

ХОТИМА

Муҳтарам Муштарий !

«Ватанни севмоқ иймондандир» деган ҳикматга амал қилиб, ёзганим, қишлоғимиз Гулдировнинг тарихи, тарихий ёдгорликлари, шифобахш сувли булоқлари, камтар ва меҳнаткаш кишилари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу китобни ўқиб чиқдингиз. Айрим камчиликларга йўл қўйган бўлсам, Сиздан узр сўрайман. Бу китоб ҳақидаги барча фикр - мулоҳазаларни бажонидил қабул қилишга тайёрман.

Муаллиф.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Наманган ВЎЎМ архивида сақланаётган, 1982 йилда рус тилида тузилган Акт - Далолатнома.
2. Исомиддинов, М. Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, «Изланишлар самараси», «Наманган ҳақиқати» 1982 йил 11 март.
3. Қосимов Йўлчи, тарих фанлари номзоди, доцент, «Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан», Т., «Фан», 1988.
4. Умматов Рустамжон, «Гулдиров ва гулдировликлар», «Наманган ҳақиқати» 2005 йил 20 август.
5. Сулаймонов, М. Филология фанлари номзоди, Гулдиров тарихи учун маълумотлар (сухбатлар, эсдаликлар, хотиралар), 1 -, 2 -, 3 - дафтарлар, 2003 - 2005 - йиллар.
6. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», икки жилдлик, биринчи жилд, Москва, 1981 йил.
7. «Ан - на им» арабча - ўзбекча луғат, Т., 2003.
8. Тўхлиев Б. «Ўзбек адабиёти», 9-синф учун дарслик, 2003.
9. «Шахматисти из глубины». Правда Востока, 2004, 11 февраль.
10. Муҳаммад Юсуф, «Улуғимсан Ватаним». Т., 2004.

Кириш	4
I. ГУЛДИРОВ ТАРИХИ	6
Гулдиروبми Гулдиоровми?	6
Гулдиоров коризлари	10
Садамозор зиёратгоҳи	14
Гулдиоров тутмозор мўъжизаси	17
Гулдиоров маҳаллалари	19
Гулдиоровнинг шифобахш булоқлари	22
Гулдиоровнинг азиз меҳмонлари	23
Швециялик профессор билан учрашув	24
II. ЗИЁЛИЛАР ҚИШЛОҒИ	26
Маърифат маскани	26
Интернетда Гулдиоров қишлоғи сайти	29
Гулдиоров аҳолиси	31
Шажаралар тарихи	33
Оиламиз шажараси	34
Гулдиоров аҳолисининг асосий машғулотлари	35
Гулдиоров одамлари	38
II Жаҳон урушида қатнашган гулдиоровликлар	42
Муаллифнинг илмий ва ижодий ишлари	45
Хотима. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	46

Хулкар Ой Сулаймонова

ГУЛДИРОВ ҚИШЛОҒИ

муҳаррир:

М. МАМАТБАЛИЕВ

Техник муҳаррир:

Ғ. МАТЛАБОВ.

Нусхачи:

С. ЯХЁЕВ.

Компьютерда саҳифаловчи:

Д. ДАВЛАТҚУЛОВ.

Теришга 5.12.2005 йил беришди. Босишга 26.12.2005 йил рухсат этилди. Офсет қоғозида, офсет усулида босилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 3 б.с.ма.таб.с. Адади 1000 нусха. Бухортома № 1054. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Намояна» нашриёти. 716002, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, Масбуҳов уйи, 3-қavat.
«Чуст боғмаҳонаси» МЧЖда чоп этилди. 717200, Чуст шаҳри, Сўфизода 8-уй.



Ҳулкар Ой (Ҳулкар Сулаймонова) 1988 йил 17 февралда Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Гулдиров қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топган.

1993-2004 йилларда Гулдиров қишлоғидаги 13-мактабда ўқиган. Ҳозир Чортоқ педагогика коллежида 2-курсида таҳсил олмоқда. Унинг шеър ва мақолалари туман, вилоят ва республика матбуотида, илмий тўплам ҳамда журналларда чоп этилган.

“Гулдиров қишлоғи” рисоласи унинг биринчи китобидир.